



ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



DESCRIPTION OF THE CHARACTERISTICS OF A PROSECUTOR'S PROTEST BROUGHT IN THE ORDER OF SUPERVISION OVER THE EXECUTION OF LAWS

Avazbek Bokijonovich Komilov

*The Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan,
 Head of Department, PhD in Law, Associate Professor
 E-mail: komilov02011985@gmail.com
 Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: prosecutorial supervision over the execution of laws, acts of prosecutorial supervision, prosecutor's protest, legal document, purpose of the protest, basis of the prosecutor's protest, limited imperativeness.

Received: 20.07.25

Accepted: 21.07.25

Published: 22.07.25

Abstract: This article reveals the content of the prosecutor's protest brought in the order of supervision over the execution of laws, as well as the main characteristics inherent to this supervisory document. According to the author, the protest allows for the prompt rectification of legal violations and their negative consequences, the restoration of violated rights; therefore, it is considered a quicker, more effective, and actionable supervisory measure than other acts of prosecutorial supervision. Current national legislative documents do not contain clarifications regarding the prosecutor's protest, and this concept is interpreted differently by scholars in the field of prosecutorial supervision. In some instances, the author engages in scholarly debate with several researchers. The article also outlines the purpose of bringing the protest, the basis of the prosecutor's protest, methodological and practical guidelines that must be followed when preparing the protest, requirements for its form and content, and the main characteristics typical of a protest.

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЕЛТИРИЛАДИГАН ПРОКУРОР ПРОТЕСТИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР ТАВСИФИ

Авазбек Бокижонович Комилов

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси

кафедра бошлиги, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

E-mail: komilov02011985@gmail.com

Тошкент Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қонунлар ижроси устидан прокурор назорати, прокурор назорати хужжатлари, прокурор протести, ҳуқуқий хужжат, протестнинг мақсади, прокурор протестининг асоси, чекланган императивлик.

Аннотация: Мазкур мақолада қонунлар ижроси устидан назорат тартибида келтириладиган прокурор протестининг мазмуни ва ушбу назорат хужжатига хос бўлган асосий хусусиятлар тавсифи ёритилган. Муаллифнинг фикрига кўра, протест қонунбузарлик ва унинг салбий оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш имконини беради, шу сабабли бошқа прокурор назорати хужжатларига қараганда тезкор, самарали ва таъсирчан назорат хужжати ҳисобланади. Амалдаги миллий қонунчилик хужжатларида прокурор протестига изоҳ берилмаган бўлиб, мазкур тушунча прокурор назорати фани доирасида олимлар томонидан турлича баён этилган. Муаллиф айрим ўринларда бир қатор олимлар билан илмий мунозарага киришади. Шунингдек, мақолада протест келтиришдан кўзланган мақсад, уни қўллаш асослари, протест тайёрлашда амал қилиниши лозим бўлган услубий-амалий кўрсатмалар, унинг шакл ва мазмунига қўйилган талаблар ҳамда протестга хос асосий хусусиятлар ҳам қайд этилган.

ХАРАКТЕРИСТИКА ОСОБЕННОСТЕЙ ПРОКУРОРСКОГО ПРОТЕСТА, ВНОСИМОГО В ПОРЯДКЕ НАДЗОРНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОВ

Авазбек Бокижонович Комилов

Начальник кафедры Правоохранительной академии

Республики Узбекистан, доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент

E-mail: komilov02011985@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: прокурорский надзор за исполнением законов, акты прокурорского надзора, протест прокурора, правовой документ, цель протеста, основание протеста прокурора, ограниченная императивность.

Аннотация: В данной статье раскрывается содержание протеста прокурора, приносимого в порядке надзора за исполнением законов, а также раскрываются основные признаки, присущие данному надзорному документу. По мнению автора, протест позволяет оперативно устраниить нарушение закона и

его негативные последствия, восстановить нарушенные права, поэтому он считается более быстрым, эффективным и действенным актом надзора, чем иные акты прокурорского надзора. Действующие национальные законодательные документы не содержат разъяснений по поводу протеста прокурора, и данное понятие по-разному трактуется учёными в области прокурорского надзора. В некоторых моментах автор вступает в научную полемику с рядом учёных. В статье также изложены цель принесения протеста, основания протеста, методические и практические указания, которым необходимо следовать при подготовке протеста, требования к его форме и содержанию, основные признаки, характерные для протеста.

“Протест” термини этимологиясининг асоси лотинча “protestor” сўзидан келиб чиқкан бўлиб, “оммавий қаршилик қилиш”, “талаб”, “мурожаат”, “исбот” деган маъноларни англатади[1].

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида қонунлар ижроси устидан назорат тартибида келтириладиган прокурор протести (кейинги ўринларда – протест) терминига таъриф берилмаган. Шу сабабли, мазкур тушунча прокурор назорати фани доирасида олимлар томонидан изоҳланган.

Масалан, профессор Б.Пўлатовга кўра, протест – муассаса, ташкилотнинг қонунга зид ҳужжати ёки мансабдор шахснинг қонунсиз ҳужжати ёки ҳаракатига ҳужжатни бекор қилиш ёки уни қонунга мослаштириш, мансабдор шахсларнинг қонунсиз ҳаракатларини тўхтатиши ҳамда бузилган хуқуқларни тиклаш ҳақидаги прокурорнинг қонунлар ижроси устидан назорат тартибидаги асослантирилган ҳужжатидир[2].

Профессор Е.Ергашевнинг ёзишича, протест деганда, қабул қилинган ноқонуний ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш бўйича қонун билан аниқланган муайян субъектларга йўналтирилган, қонун билан қатъий тартибга солинган ва белгиланган тартибда давлат номидан амалга ошириладиган прокурорнинг расмий эътирози тушунилади[3].

Назариётчиларнинг қайд этишича, протест асосан 2 та: 1) ноқонуний хуқукий ҳужжатдаги хуқуқбузарлик ва унинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда назоратости субъектларининг бузилган хуқуқларини тиклаш мақсадни кўзлайди[4]. М.Добышнинг

таъкидлашича эса ўз мазмунига кўра, назорат тартибидаги прокурор протести: ноқонуний хужжат ёки мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракатини бекор қилиш ёхуд қонунга мувофиқлаштириш, мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракатини тугатиш, бузилган ҳуқукни тиклаш каби аниқ белгиланган мақсадларга эга. Шу боис, ноқонуний хужжатни ўз вақтида аниқлаб, унга юридик жиҳатдан асослантирилган протест келтириш, уни тўғри ва тезлик билан кўриб чиқилишини таъминлаш билан бир қаторда, қонунбузарликларни бартараф этиш, уларни келгусида содир этилиши олдини олиш бўйича барча зарурий чораларни кўриш ҳам ўта муҳим ҳисобланади[5].

Амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасига асосан, қонунга зид бўлган хужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу хужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади. Демак, ушбу норма мазмунидан шу нарса англашиладики, протест фақат қонунга зид бўлган хужжатга нисбатан уни қабул қилган орган ёки юқори турувчи органга, агар хужжат мансабдор шахс томонидан қабул қилинган бўлса, унинг ўзига ёки юқори турувчи мансабдор шахсга келтирилади.

Таъкидлаш керакки, ушбу масалада ҳам олимлар томонидан бир қатор эътиборга молик фикрлар ўртага ташланган. Масалан, А.Давлетовнинг фикрича, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш учун юқори турувчи органга мурожаат этиш шарт бўлмаган тақдирдагина протест қонунга зид бўлган хужжатни қабул қилган органнинг ўзига киритилади. Агар қонунга зид бўлган хужжатларда қонун бузилиши ҳолатлари тақрорланса ёки ушбу орган фаолиятида улар доимий равишда учраса, прокурор томонидан келтирилган протестдан сўнг ҳам тегишли чоралар кўрилмаган бўлса, прокурор протестни юқори турувчи органга киритиши лозим[6]. Ёки, Т.Решетниковага кўра, ноқонуний ҳуқуқий хужжатни қабул қилган орган томонидан протест асоссиз рад этилган бўлса; давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан протестни кўриб чиқиш мобайнида нохолисликка йўл қўйилиши мумкинлиги ҳақида прокурорда салмоқли асослар мавжуд бўлганда; хужжат қабул қилинишидан аввал юқори турувчи орган билан келишилган ёки тасдиқланган бўлса; протестда ҳуқуқий хужжатни, нафақат, бекор қилиш ёки ўзгартириш, балки айбдор шахсларни бўйсунув тартибida интизомий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилганда протест юқори турувчи органга юборилиши керак бўлади[7]. Н.Корешникованинг қарашларига кўра эса ноқонуний ҳуқуқий хужжат ҳақида бошқа органларга хабар бериш, шунингдек, йўл қўйилган қонунбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги тўғрисида юқори турувчи орган эътиборини тортиш зарурати мавжуд бўлганда ҳам протест юқори турувчи органга юборилади[8].

Юқоридаги олимларнинг фикрларини тўлиқ инкор этмаган ҳолда, назаримизда, А.Давлетовнинг қонунбузарликни бартараф этиш учун юқори турувчи органга мурожаат этиш шарт бўлмаган тақдирдагина протест қонунга зид бўлган ҳужжатни қабул қилган органнинг ўзига киритилиши хақида билдириган фикрлари нисбатан мунозарали ҳисобланади. Чунки, амалдаги Қонуннинг ўзида қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтириши тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган. Бунда А.Давлетовнинг қарашларига асосан ёндашиладиган бўлса, “юқори турувчи органга мурожаат этиш шарт бўлмаган вазият”ни аниқлаш мезони прокурорда қийинчилик, тушунмовчилик ёки турлича талқинларни вужудга келтириши, табиий. Шу сабабли, ушбу масалада, бизнингча, танлаш ихтиёри прокурорнинг ўзида қолгани маъқул, яъни қўлланилаётган назорат ҳужжати бўйича жавобгарлик учун масъул сифатида прокурор протестни хоҳласа шу ҳужжатни қабул қилган органга, хоҳласа юқори турувчи органга келтириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Баъзи, адабиётларда назариётчилар томонидан протест айнан нимага келтирилиши масаласида ҳам мунозарали ёндашувлар айтилади. Жумладан, С.Воронин прокурор протестининг хуқуқий белгилари ҳақида ёзар экан, унингча, протест қонунга зид ҳужжатга нисбатан келтирилади, баъзи ҳолларда мансабдор шахсларнинг алоҳида хукуққа хилоф ҳаракатларига нисбатан ҳам келтирилиши мумкин[9]. Шу каби, фикрни А.Дарбинян ҳам келтиради ва бу борада В.Ястrebовнинг фикрларига қўшилади[10]. Шунингдек, миллий олимларимиздан Б.Пўлатов ва А.Давлетовлар ҳам хукуққа хилоф хатти-ҳаракатларга нисбатан протест келтирилиши мумкинлиги ҳақида ёзадилар. Шунга кўра, фандай прокурорларга, нафақат, хуқуқий ҳужжатларга, балки назорат остидаги субъектларнинг ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларига ҳам протест келтириш хукуқини бериш тўғрисидаги таклифлар илгари сурилади. Аммо, бизнингча, юқоридаги олимларнинг фикрлари нисбатан мунозарали, чунки мансабдор шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати тики у муайян бир ҳужжатда акс эттирилмас экан, унга протест келтириш деярли имконсиз. П.Любчикова[11] ва И.Устименко[12]ларнинг прокурорларга ноқонуний ҳаракатларга ҳам протест келтириш хукуқини бериш тўғрисидаги қарашларни етарлича асосга эга эмаслиги, назорат остидаги субъектларнинг ноқонуний ҳаракатларига нисбатан прокурор тақдимнома киритиш орқали муносабат билдирилиши (таъсир кўрсатиши) тўғрироқ бўлиши ҳақидаги фикрлари бизнинг қарашларимизни тасдиқлайди.

Қонунга биноан, протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талааб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган

муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиши натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичидаги прокурорга ёзма равишда маълум қилинади. Протест коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Агар ноқонуний хужжатнинг мазмуни тўлиқ қонунга зид бўлса ёки мос келмаса, у ҳолда прокурор мазкур хужжатни бекор қилишни талаб қиласди. Хужжатни қонунга мувофиқлаштириш эса унинг ҳуқуқка хилофлигини бартараф этувчи ўзгартириш киритишни назарда тутади. Юқоридаги талаблар билан бир қаторда, прокурор аниқ вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, қонунга зид хужжатни қабул қилишдан юзага келган ноқонуний оқибатларни бартараф этиш билан боғлиқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни талаб қилиши (масалан, ходимни ишга тиклаш, ноқонуний ушланмаларни қайтариш ва х.к.) ҳам мумкин[13].

Шуни унутмаслик лозимки, прокурор протестида кўрсатилган талаблар мажбурий ижро этилиши мумкин эмас, чунки у тегишли орган ёки мансабдор шахсни йўл қўйилган қонун бузилишини, биринчи навбатда, ихтиёрий тарзда бартараф этишга мажбур қилишга йўналтирилгандир. Протест маъмурий-буйруқ берувчи кўрсатмаларни ўз ичига олмайди, тавсиявий ва ахборот характеристига эга бўлади, унда кўрсатилган талабларни сўзсиз ижро этиш мажбуриятини юзага келтирмайди[14]. Бироқ, протестни кўриб чиқаётган орган ёки мансабдор шахс унда келтирилган прокурор важлари, уларни тасдиқловчи аргументларни чуқур ўргангандарни ҳолда, ўз вақтида, адолатли ва қонуний қарор қабул қилиши ҳамда протестни кўриб чиқиши натижалари тўғрисида қонунда белгиланган муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Прокурор протести қаноатлантирилган тақдирда, жавоб хатига протест келтирилган хужжатни бекор қилувчи ёки уни ўзгартирувчи ҳуқуқий хужжат нусхаси илова қилинади. Башарти прокурор важлари билан келишилмаган тақдирда, орган ёки мансабдор шахс ўз жавобини низолашилаётган хужжатнинг қонуний қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳуқуқий хужжатларга ҳавола қилган ҳолда асослантириши шарт[15].

Шунингдек, протест шу хужжатни қабул қилган орган (mansabdar shahs) ёки юқори турувчи орган (mansabdar shahs) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичидаги кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу хужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиши учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичидаги берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши протест

келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

Шу ўринда илмий-амалий қизиқиш уйғотувчи масалалардан яна бири шундаки, айрим манбаларда прокурор ўзи томонидан киритилган протестни чақириб олиши мумкинлиги ҳақида фикрлар учрайди. Жумладан, Ф.Галиевнинг ёзишича, протест то кўриб чиқилгунига қадар уни келтирган прокурор томонидан чақириб олиниши мумкин[16]. Шу каби, О.Воронин протест у кўриб чиқилгунига қадар протест келтирган прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан чақириб олиниши мумкинлиги ҳақида ёзади[17]. Дарҳақиқат, мазкур олимларнинг фикрларида жон бор, бироқ миллий қонунчилигимизда, айниқса, амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда қонунлар ижроси устидан назорат тартибида келтирилган прокурор протестини чақириб олиш асослари ва тартиби умуман ёритилмаган. Шу боисдан, қисқа ва ўрта муддатли истиқболда (1 йилдан 3 йилгача) юқоридаги долзарб масала Қонунда акс эттирилиши ва 38-моддага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, етарли асослар мавжуд бўлганда, прокурор ўз протестида ноқонуний ҳужжатни қабул қилган мансабдор шахсни интизомий ёки қонун билан белгиланган бошқа жавобгарликка тортиш талабини қўйиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу каби ҳолатларда прокурор дастлаб тегишли мансабдор шахсдан ноқонуний ҳужжатни қабул қилиш сабаблари юзасидан тушунтириш хати олиши ва протестда айбдор шахсни жазолаш мотивларини кўрсатиши керак бўлади[18]. Аммо, биз бу фикрни умуман қўллаб-қувватламаймиз. Сабаби, протестда ғайриқонуний ҳужжат қабул қилган айбдор шахсни муайян жавобгарликка тортишни талаб этиш, ушбу ҳужжатни бошқа назорат ҳужжатлари, жумладан қарор ёки тақдимнома билан фарқли жиҳатини йўққа чиқаради, протестнинг мазмунига хос уникал хусусиятларни йўқолишига олиб келади. Бу масалада бизнинг позициямиз С.Джамбулатовнинг қарашларига яқин. Унинг қайд этишича, гарчи амалдаги қонунчилик прокурорга протестда айбдор шахсларни интизомий, моддий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш ҳуқуқини берса-да, бу каби ҳолатларда протест ўрнига тақдимнома киритиш орқали шахсларнинг тегишли жавобгарлик масаласини ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, қонунда жавобгарлик масаласини кун тартибига қўйиш учун алоҳида ҳужжат – қарор назарда тутилган[19].

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, қонунлар ижроси устидан назорат тартибида келтирилган прокурор протести нафақат шаклига кўра, балки мазмунига кўра ҳам муайян

талабларга жавоб бериши керак. Хусусан, протестда қуйидагилар ўз ифодасини топиши зарур бўлади:

протест келтирилган орган, ҳужжатнинг номланиши – «қонун ижроси устидан назорат тартибидаги протест», протест келтириш санаси ва рақами;

ноқонуний ҳужжат қабул қилган орган ва унинг юридик манзили ёки мансабдор шахс Ф.И.Ш.;

қонунга зид бўлган ҳужжатнинг номи, ҳужжат ким томонидан қабул қилинган, қабул қилиниш санаси ва ҳужжат рақами;

протест келтирилган қонунга зид бўлган ҳужжат ёки унинг қисми мазмунининг қисқалўнда, шу билан бирга асослантирилган изоҳи;

протестнинг хуқуқий асоси, яъни протест келтирилган ҳужжат қандай асосларга кўра қонунга зид деб баҳоланишининг изоҳи, қайси қонун талаблари бузилганлиги (қонуннинг номи, ким томонидан ва қачон қабул қилинган, қонун матни қаерда чоп этилган);

ноқонуний хуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан сўнг юзага келган заарли оқибатлар ёки уларни юзага келиш эҳтимолига доир маълумотлар;

ноқонуний хуқуқий ҳужжатни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида прокурорнинг таклифи (талаби);

қонун бузилишига йўл қўйган айборни қонуний жавобгарликка тортиш бўйича прокурорнинг таклифи (зарур ҳолларда);

протест конунда белгиланган ўн кунлик ёки прокурор протестда белгилаган муддатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиш ва кўриб чиқиш натижаси тўғрисида прокурорга ёзма равища маълум қилиниши ҳақидаги талаб;

прокурорнинг мансаб лавозими, даражали унвони ва Ф.И.Ш.

Умуман олганда, қонунлар ижроси устидан назорат тартибида келтириладиган прокурор протестига хос бўлган хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

– протест фақатгина қонунга зид бўлган хуқуқий ҳужжатга (хатти-ҳаракатга эмас) нисбатан келтирилади;

– протест қонунга зид бўлган ҳужжатни қабул қилган органга (mansabdar shahs) ёки юқори турувчи органга (mansabdar shahs) келтирилади;

– протест қонунбузарлик ва унинг салбий оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ҳамда бузилган хуқуқларни тиклаш имконини беради. Шу жиҳатдан, бошқа прокурор назорати ҳужжатларига қараганда тезкор, самарали ва таъсирчан назорат ҳужжати саналади;

- прокурор ғайриқонуний ҳужжатга нисбатан протестни ҳар қандай вақтда келтира олади. Аммо, ноқонуний ҳужжат ва унинг салбий оқибатларини тезлик билан, тўлиқ бартараф этиш учун қонунга зид ҳужжат аниқланган заҳотиёқ протест келтириш мақсадга мувофиқ бўлади;
- фақатгина суд тартибида ғайриқонуний ёки ҳақиқий эмас деб топилиши қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий ҳужжатларга ёхуд ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан протест келтирилмайди;
- ўз кучини йўқотган ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан протест келтирилмайди, балки бундай ҳолатларда прокурор томонидан тақдимнома киритиш орқали қонунбузарликнинг келиб чиқиши сабаблари ва бунга имконият яратиб берадётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги масала қўйилиши лозим бўлади[20];
- протестда асосан иккита: ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш ёки уни қонун талабларига мувофиқлаштириш талаби қўйилади. Шу билан бирга, прокурор ўз протестида қонунга зид ҳужжатни қабул қилишдан юзага келган ноқонуний оқибатларни бартараф этиш билан боғлиқ бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини талаб қилиши ҳам мумкин.
- протестда кўрсатилган прокурор талаблари мажбурий ижро этиш кучига эга эмас, яъни уларга чекланган императивлик белгиси хос бўлади. Бироқ, протестни кўриб чиқаётган орган (мансабдор шахс) унда қайд этилган прокурор вожлари ва уларни тасдиқловчи факт (далил)ларни протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқиши, протестни кўриб чиқиши натижалари тўғрисида уч кун ичida прокурорга ёзма равища маълум қилиши шарт;
- протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичida кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиб, мазкур ҳужжатни суд орқали ҳақиқий эмас деб топилишига эришиши шарт.

Список использованной литературы:

1. Большой энциклопедический словарь / гл. ред. А.М.Прохоров. Изд-е. 2-е, перераб. и доп. – М.: Научное издательство «Большая российская энциклопедия», 1998. – С. 969.
2. Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати: дарслик. – Тошкент: «Ҳуқуқ ва бурч», 2008. – Б. 128.
3. Ергашев Е.Р. Протест прокурора. Екатеринбург: Ид УрГЮА, 2010. – С. 29.

4. Прокурорский надзор в Российской Федерации: учебник для бакалавров / под научной ред. Е.Р.Ергашева. – М.: Издательство Юрайт, 2011. – С. 143.
5. Добыш М.А. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере миграционных отношений: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва: Федеральное государственное казенное образовательное учреждение высшего образования “Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации”, 2012. – С. 180-195.
6. Давлетов А.Дж. Прокурорский надзор: учебник для студентов юридических вузов и факультетов. – Нукус: «Билим», 1999. – С. 107.
7. Решетникова Т.А. Правовой статус, функции и полномочия прокуратуры в странах СНГ (сравнительно-правовое исследование): Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Научно-исследовательский институт проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре Российской Федерации, 2005. – С. 149-150; Джамбулатов С.И. Защита органами прокуратуры Российской Федерации прав и свобод человека и гражданина: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Федеральное государственное образовательное учреждение высшего образования “Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации”, 2009. – С. 160.
8. Корешникова Н.Р. Основные правовые средства прокуратуры Российской Федерации как инструмент обеспечения исполнения законов: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: Уральская государственная юридическая академия, 2010. – С. 111.
9. Воронин О.В. Прокурорский надзор в Российской Федерации: вопросы общей части: учебное пособие. – Томск: издательство НТЛ, 2007. – С. 81-82.
10. Дарбинян А.А. Прокурорский надзор за законностью правовых актов, издаваемых Министерством природных ресурсов и экологии Российской Федерации и подведомственными ему федеральными органами: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Автономная некоммерческая организация высшего и профессионального образования “Московский гуманитарный университет”, 2013. – С. 142.
11. Любчикова П.М. Особенности полномочий прокурора при осуществлении надзора за исполнением административного законодательства. Надзорные правовые средства // «Пробелы в российском законодательстве», №3 / 2011. – С. 265.
12. Устименко И.В. Прокурорский надзор за соблюдением социальных прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Институт повышения квалификации руководящих кадров Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2009. – С. 163.

13. Джамбулатов С.И. Защита органами прокуратуры Российской Федерации прав и свобод человека и гражданина: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Федеральное государственное образовательное учреждение высшего образования “Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации”, 2009. – С. 163.
14. Прокуратура: вчера, сегодня, завтра (Сухаревские чтения): сб. материалов II Междунар. науч.-практ. конф. (Москва, 7 окт. 2016 г.) / под общ. ред. О.С.Капинус; (под науч. ред. А.Ю.Винокурова; сост. Е.И.Алхутова и др.); Акад. Ген. прокуратуры Российской Федерации. – М., 2017. – С. 162-163.
15. Прокуратура: вчера, сегодня, завтра (Сухаревские чтения): сб. материалов II Междунар. науч.-практ. конф. (Москва, 7 окт. 2016 г.) / под общ. ред. О.С.Капинус; (под науч. ред. А.Ю.Винокурова; сост. Е.И.Алхутова и др.); Акад. Ген. прокуратуры Российской Федерации. – М., 2017. – С. 162.
16. Галиев Ф.Ф. Протест прокурора как акт правоприменительный // «Правовое государство: теория и практика», №3 (29) / 2012. – С. 78.
17. Воронин О.В. Прокурорский надзор в Российской Федерации: вопросы общей части: учебное пособие. – Томск: издательство НТЛ, 2007. – С. 81-82.
18. Боев А.А. Полномочия прокуратуры Российской Федерации по обеспечению надзора в сфере местного самоуправления // «Пробелы в российском законодательстве», №2 / 2013. – С. 18.
19. Джамбулатов С.И. Защита органами прокуратуры Российской Федерации прав и свобод человека и гражданина: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Федеральное государственное образовательное учреждение высшего образования “Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации”, 2009. – С. 164.
20. Корешникова Н.Р. Основные правовые средства прокуратуры Российской Федерации как инструмент обеспечения исполнения законов: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: Уральская государственная юридическая академия, 2010. – С. 118